


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2019 йил 25 июнь, № 128 (7358) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## Парламент ҳаёти



## Депутатлар талабга жавоб бермайдиган қонун лойиҳаларини қайтаришга мажбур бўляпти

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳамда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фракциялари вакилларидан иборат Демократик кучлар блокининг йиғилиши бўлиб ўтди.*

Президентимизнинг Олий Мажлис Сенатининг йигирманчи ялпи мажлисидаги нутқидан келиб чиқадиган долзарб вазифалар муҳокамасига бағишланган ушбу тадбир танқидий руҳда ўтди. Хусусан, сўнгги олти ой мобайнида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг қонун ташаббускорлиги ҳуқуқи асосида атиги 9 та қонун киритилган. Шундан учтасигина сиёсий партиялар фракциялари томонидан тайёрланганини, бу борада депутатлар анча суст фаолият олиб бораётгани, Қонунчилик палатасига киритилаётган қонун лойиҳаларининг 80 — 90 фоизи депутатлар томонидан қайта ишланаётгани ачинарли ҳол.

Юқоридаги муаммоларнинг туб замирида вазирлик, давлат қўмиталари ва давлат идоралари юридик бошқармалари кадрларига қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш, унинг ҳар бир нормасини таҳлил қилиб, баён этиш салоҳияти етишмаслиги ётади. Бу масалаларга тегишли вазирлик ҳамда мутасадди ташкилотлар жиддий эътибор қаратмаётгани сабабли, энди депутатлар қаттиқ туриб, талабга жавоб бермайдиган қонун лойиҳаларини қайтаришга мажбур бўляпти.

Шунингдек, Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан назорат-таҳлил фаолиятида сусткашликка йўл қўйилаётгани ҳам айтиб ўтилди. Жумладан, сўнгги 6 ойлик фаолият давомида бу соҳада сиёсий партиялар фракциялари томонидан муайян масалалар бўйича борйўғи 26 та ташаббус билдирилган. Қонунчилик палатаси томонидан давлат ва хўжалик бошқаруви органлари мансабдор шахсларига атиги 4 та парламент сўрови юборилган. 8 та масала юзасидан парламент эшитуви ўтказилган.

Йиғилишда соғлиқни сақлаш тизимида ечимини кутаётган муаммоларни ҳал этиш ва ушбу соҳани тартибга солишда Демократик кучлар блоки аъзолари, аввало, парламент назорати институтидан самарали фойдаланиш лозимлиги, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолиятини кучайтириш, улар билан самарали ҳамкорликни ташкил қилиш масалалари танқидий кўриб чиқилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

## Партия сайловолди дастурини бажаришда имкониятлардан етарлича фойдаланмаяпти

*Ўзбекистон ХДП фракциясининг навбатдаги йиғилишида ҳам давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис Сенатининг йигирманчи ялпи мажлисидаги нутқида белгилаб берилган устувор вазифалардан келиб чиқиб, амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар муҳокама қилинди.*

Таъкидланганидек, партия сайловолди дастурини бажаришда имкониятлардан етарлича фойдаланмаяпти. Жумладан, сайловолди дастурида белгиланган “Имконияти чекланган болаларнинг таълим олиши ва ижтимоий интеграцияси тўғрисида”ги, “Психиатрия ёрдами тўғрисида”ги, “Иссиқлик таъминоти тўғрисида”ги қонун лойиҳалари охирига етказилмади.

➔ 2

# Президент соврини ўз эгаларига топширилди



## «Ташаббус — 2019»

*Президент соврини учун ўтказилган “Ташаббус — 2019” кўрик-танловининг республика босқичи ғолиблари маълум бўлди.*

*Қайд этиш жоизки, тадбиркор ва ишбилармонлар, ҳунармандларнинг ўзига хос маҳорат майдони ҳамда ютуқлари намойишига айланган мазкур танлов соҳа вакилларини рағбатлантириш баробарида, уларни янги-янги марралар сари ундаши билан алоҳида аҳамият касб этади. Шу боис унга бўлган қизиқиш тобора кучаймоқда. Бу йил ижодий кўрикнинг туман ва шаҳар босқичларида* **6700 дан зиёд** *ишбилармонлар иштирок этгани, республика босқичида эса 69 нафар тадбиркор, фермер ҳамда ҳунарманд ғолиблик учун куч синашгани шундан далолат беради.*

Шундай қилиб, галдаги танловда “Саноат соҳасида йилнинг энг яхши тадбиркори” йўналишида Наманган вилоятидаги “Nafis tex group” МЧЖ раҳбари Аҳадхон Эшонов, “Хизмат кўрсатиш соҳасида йилнинг энг яхши тадбиркори” йўналишида Қашқадарё вилоятидаги “Sitora imkon plus” НТМ раҳбари Наргиза Саломова, “Йилнинг энг яхши ёш тадбиркори” йўналишида Навоий вилоятидаги “Export fish product” МЧЖ раҳбари Обиджон Саидов, “Йилнинг энг яхши фермери” йўналишида Сурхондарё вилоятидаги “Меҳнат фаровон ҳаёт” фермер хўжалиги раҳбари Абдусамат Норбоев муваффақият қозонди.

“Йилнинг энг яхши ҳунарманди” номинациясида биринчи ўринга эса икки нафар ҳунарманд — бухоролик Даврон Тошев ҳамда Тошкент вилоятилик Шавкат Юсупов муносиб кўрилди.

— Фаолиятимизни 2010 йилда бошлаганмиз, — дейди “Sitora imkon plus” нодавлат таълим муассасаси раҳбари Н. Саломова. — Ҳозирги пайтда хотин-қизларга 18 йўналишда таълим бериб, ҳунар ўргатяпмиз. Мазкур нуфузли танловда ғолиб бўлиш биз учун катта шараф, албатта. Қолаверса, бу 35 кишилик жамоамизга қўшимча масъулият ҳам юклайди.

Барча йўналиш бўйича биринчи ўрин соҳибларига “Ташаббус — 2019” статуэткаси, олтин медаль, махсус диплом ҳамда Президент совғаси — “Spark” автомобили топширилди.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

Ҳаким ЙЎЛДОШЕВ олган суратлар.




## Халқаро анжуман

# Марказий Осиё омбудсманлари Тошкентда учрашди

Унинг доирасида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро институтлар ҳамкорлигини мустаҳкамлашга қаратилган «Йўл харитаси» қабул қилинди.

*Бугун дунё ҳамжамияти Марказий Осиёда Ўзбекистоннинг янги ташқи сиёсати туфайли кечаётган жадал интеграция жараёнларини кузатиб бормоқда. Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев барча соҳада кўп томонлама минтақавий ҳамкорликни кенгайтириш, мазкур мамлакатлар билан яқин қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлашни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқди.*

Натижада ўзаро ишончга ва манфаатли ҳамкорликка асосланган муносабатлар мустаҳкамланмоқда. Давлатларимиз ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация, сув-энергетика, экология, маданий-гуманитар соҳаларда ишга солинаётган имкониятлар кўлами кенгайиб боряпти. Минтақавий энг долзарб масалалар мунтазам равишда ҳал этилмоқда.

Айнан фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш соҳасидаги ҳудудий ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Бошқармаси, БМТ Тараққиёт дастури ва Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар глобал альянси кўмагида Тошкент шаҳрида Марказий Осиё мамлакатларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича миллий муассасалари минтақавий маслаҳатлашувларини ташкил этди.

Тадбирда Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистондан инсон ҳуқуқлари бўйича вакиллар ҳамда халқаро экспертлар қатнашди.

Ушбу учрашув Марказий Осиё мамлакатлари омбудсманларининг ҳамда халқаро ташкилотларнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш ҳамда ривожлантиришдаги ўзаро ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга қаратилган.

Тадбирда сўзга чиққан делегациялар раҳбарлари ўз мамлакатларидаги инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи муассасаларнинг ташкилий-ҳуқуқий ривожланиши борасидаги тажрибалари билан ўртоқлашди.

Иштирокчилар Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ислоҳотлар фаол кечаётганлиги, айниқса, инсон ҳуқуқлари соҳасида юксак халқаро стандартларни ҳаётга татбиқ этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилаётганлигини таъкидлашди.

➔ 2

## Президент Шавкат Мирзиёевнинг ШҲТ доирасидаги амалий ҳамкорликни кенгайтиришга оид таклифлари:

1. **Ҳамкорликнинг устувор йўналишлари бўйича қуйидаги муҳим хужжатларни ишлаб чиқиш:**
   **– Ўзаро алоқалар, самарали иқтисодий ва транспорт йўлакларини ривожлантириш бўйича ШҲТ Ҳамкорлик стратегияси;**
   **– «Ақлли» қишлоқ хўжалиги ва агроинновацияларни жорий этиш соҳасида ўзаро ҳамкорлик концепцияси.**
2. **Мамлакатларимизда замонавий ресурс тежовчи ва экологик тоза технологияларни кенг жорий этиш мақсадида ШҲТнинг «Яшил белбоғ» дастурини қабул қилиш.**
3. **Ахборот технологиялари ривожланишига масъул идоралар раҳбарларининг мунтазам учрашувлари механизмини жорий этиш, шунингдек, киберхавфсизлик масалалари бўйича ўзаро ҳамкорлик дастурини ишлаб чиқиш.**
4. **ШҲТнинг Иқтисодий форумини мунтазам ўтказиш, илк форумни Самарқанд шаҳрида ташкил этиш.**
5. **ШҲТ доирасида парламентлараро мулоқотни тиклаш.**
6. **ШҲТ шаҳар ва минтақаларининг тарихий-маданий меросини оммалаштириш ва туристик салоҳиятини янада тўлиқ намоён этиш, ҳар йили Ташкилотда раислик қилувчи мамлакатдаги шаҳарлардан бирини ШҲТ сайёҳлик ва маданий пойтахти, деб эълон қилиш.**

*(Ўзбекистон Республикаси Президентининг ШҲТ Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисидаги нутқидан).*

## ДУНЁ НИГОҲИ

АҚШ Давлат департаменти:

# «Ўзбекистон алоҳида хавотир уйғотувчи давлат эмас»

*Жорий йилнинг 21 июнь куни Америка Қўшма Штатлари Давлат департаментининг диний эркинлик бўйича навбатдаги маърузасида юртимизда диний соҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ва ўзгаришларнинг самарадорлиги эътироф қилинди.*




Ҳужжат ҳар йили чоп этилади ва унинг асосида АҚШ Давлат котиби у ёки бу мамлакатни “алоҳида хавотир уйғотувчи давлатлар” рўйхатига киритиш тўғрисида қарор қабул қилади. 2018 йилнинг декабрь ойида Давлат департаменти раҳбари ўз қарори билан Ўзбекистонни расман ушбу тоифадан чиқариб, шу орқали диний эркинликни таъминлаш соҳасида мамлакатимиздаги сезиларли ўсишни эътироф этди.

➔ 2

# Мамлакатимиз мажбурий меҳнатни тугатишга юқори даражадаги ўзгармас содиқликни намоён қилмоқда

АҚШ Давлат департаменти Одам савдоси тўғрисидаги йиллик маърузасини эълон қилди. Унда жаҳоннинг 189 мамлакатидаги вазият таҳлил қилинган.

Ҳужжатда Ўзбекистонда пахта йиғим-терими вақтида катта ёшлилар мажбурий меҳнатидан фойдаланишни тўхтатиш, теримчиларга ҳақ тўлаш миқдорини кўпайтириш, бюджет ташкилотларида ишлаётган шахсларни жалб қилишни қисман тўхтатиш бўйича муҳим чоралар қабул қилиниши, халқаро кузатувчиларга қаршиликсиз тўлиқ рухсат беришнинг давом эттирилиши, мониторинг жараёнига мустақил ҳуқуқ ҳимоячилари жалб қилиниши, пахта теримида болалар меҳнатидан фойдаланишга тақиқнинг давом эттирилиши қайд қилинади.

➔ 2



## Партия сайловолди дастурини бажаришда имкониятлардан етарлича фойдаланмаяпти

←1 Шунингдек, парламент аъзоларининг чет элларга расмий ташрифлари олдидан пухта тайёргарлик кўрилмаётганлиги, мамлакатимизнинг хориждаги обрў-эътиборини юксалтириш ва халқаро майдондаги жараёнларда ролини кучайтириш борасида белгиланган вазифани тўла-тўкис бажармаётганлиги, Олий Мажлиснинг хорижий мамлакатлар парламентлари билан тузилган дўстлик гуруҳлари фаолияти сустлиги фракция аъзолари томонидан танқид қилинди.

Шулардан келиб чиқиб, депутатларнинг хорижга чиқиш олдидан пухта тайёрланиши, музокаралар доирасида хорижий шериклар билан муҳокамага қўйиладиган масалаларни аниқ белгилаб олишлари ҳамда депутатнинг сафар давомидаги фаолияти тўғрисида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Кенгашига ўз ҳисоботини тақдим қилиш амалиётини жорий этиш кераклиги бўйича фракция ўз таклифини билдирди.

**Парламент ҳаёти**

## Норма ижодкорлиги жараёнида фаоллик етишмаяпти

*“Адолат” СДП фракцияси навбатдаги йиғилишида давлат бошқаруви, халқ билан мулоқот, парламент фаолияти ва жамиятда аёллар тенг ҳуқуқлигини таъминлаш каби масалалар, бу борадаги ютуқ ҳамда муаммолар кўриб чиқилди.*

Қайд этилганидек, қонун ижодкорлиги жараёнида депутатлар фаоллиги етарли даражада эмас. Жумладан, жорий йилда Қонунчилик палатасига киритилган 65 та қонун лойиҳасининг 9 таси, яъни 14 фоизи депутатлар ташаббуси билан киритилган. Албатта, бу кўрсаткичлар парламентнинг ушбу жараёнга изчиллик билан ёндашиши лозимлигини кўрсатади.

Шу боис қонун ижодкорлиги соҳасидаги фаолиятни тубдан кучайтириш, ҳар бир қонуннинг асл муаллифи айнан халқнинг ўзи бўлишига эришиш, қонунларни ишлаб чиқишда “Фракция — марказ — вилоят — туман” тизими доирасида партиянинг қатъий позициясини шакллантириш зарурлиги қайд этилди.

Қонунларнинг сифатли ижросини таъминлашда ижро ҳокимияти устидан парламент назорати ўрнатилиши ҳам муҳим ўрин тутади.

Йиғилишда давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан парламент ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш, сиёсий-ижтимоий ҳаётда аёллар ўрнини янада мустаҳкамлашга қаратилган қатор долзарб вазифалар ҳам белгилаб олинди.

Шунингдек, Қонунчилик палатаси тизимида Президентимиз ташаббуси билан тузилган Оила ва аёллар масалалари бўйича комиссия фаолиятига ҳам тўхталиб ўтилди. Бунда комиссия ишини танқидий тарзда таҳлил этиш ҳамда оилани мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёллар ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш мақсадида қонун лойиҳаларини доимий равишда комиссия экспертизасидан ўтказиш тизимини жорий этиш таклифи билдирилди.

Йиғилишда “Эркаклар ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлари ва имкониятлари кафолатлари тўғрисида”ги ҳамда “Аёлларни тазйиқ ва зўравонликлардан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунларни тезроқ қабул қилиш лозимлиги қайд этилди.

Фракция йиғилишида муҳокама этилган барча масала юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

АҚШ Давлат департаменти:

## «Ўзбекистон алоҳида хавотир уйғотувчи давлат эмас»

←1 Маърузани тақдим қила туриб, Давлат котиби Майкл Помпео диний эркинликни таъминлаш масалаларининг АҚШ ташқи сиёсати кун тартибидаги устувор аҳамиятини таъкидлади ва қатор мамлакатлардаги ҳолатга баҳо берди.

“Мен яхши хабардан бошлайман. Ўзбекистон ҳали олдинда катта ишларни амалга ошириши керак, лекин 13 йилда биринчи бор мамлакат алоҳида хавотир уйғотувчи давлат сифатида эътироф этилмади”, — деди Майкл Помпео.

АҚШ ташқи сиёсат идораси раҳбари Ўзбекистонда БМТнинг Дин ва эътиқод эркинлиги масалалари бўйича махсус маърузачиси Аҳмад Шоҳиднинг тавсияларини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” қабул қилинганини, диний мотивларга кўра жазони ўтаётган бир ярим минг маҳкумнинг озод этилгани ва уларнинг эркин ҳаракатланаётганлигини, 16 минг фуқаронинг диний-экстремистик оқимларга алоқадор шахслар рўйхатидан чиқарилганини ҳам қайд этди.

Давлат котиби диний ташкилотларни рўйхатга олиш жараёнининг янада ҳуқуқий ислоҳ қилинишига ва болаларнинг ўз ота-оналари билан масжидларга эркин боришлари таъминланишига умид билдирди.

Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчихонаси таъкидлашича, диний эркинликни таъминлаш масалаларидаги Ўзбекистон — Америка ҳамкорлиги конструктив ва динамик аҳамият касб этмоқда.

2018 йил июль ойида Ўзбекистон Диний эркинликларни илгари суриш масалаларига бағишланган вазирлар конференциясида илк бор қатнашди. Кейинчалик мамлакатимизга АҚШнинг Махсус топшириқлар бўйича элчиси бошчилигидаги делегация ташриф буюриб, диний эркинликларни таъминлаш, амалдаги нормаларни такомиллаштириш ва соддалаштириш, диний жиноятлари учун жазони ўтаётган минглаб шахсларнинг озод этилганлиги, ислом маърифатини илгари суриш ва диний таълимни ривожлантиришнинг институционал механизмларини яратиш борасида амалий чоралар кўрилаётганлигига ишонч ҳосил қилиш имкониятига эга бўлди.

Ўзбекистонда америкалик мутахассислар иштирокида диний экстремизм ва радикаллашувга қарши курашиш масалаларига бағишланган қўшма семинарлар ўтказилмоқда. Яқин кунларда АҚШ тинчлик институти билан ҳамкорликда Имом ал-Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказида навбатдаги семинарни ўтказиш режалаштирилмоқда. Марказ диний ҳурфикрлиликни илгари суриш ва радикаллашувнинг олдини олиш соҳасидаги ўқув-тадқиқот салоҳиятини ошириш борасида муваффақиятли майдонга айланиб улгурди.

Жорий йил май ойининг охирида икки томонлама муносабатлар тарихида биринчи бор Ўзбекистон муфтийси Усмонхон Алимов расмий делегация таркибида Вашингтон шаҳрига ташриф буюриб, конфессияларaро тадбирда ва мамлакатимизда эътиқод эркинлигини таъминлаш масалаларига бағишланган давра суҳбатида иштирок этди, АҚШнинг мутасадди идоралари вакиллари билан қатор учрашувлар ўтказди.

Ноябрь ойида АҚШнинг турли штатларидан пасторлар, раввинлар ва имомларнинг конфессиялараро мулоқотда қатнашиш учун Ўзбекистонга ташриф буюриши режалаштирилган.

Мамлакатимиз элчихонаси маълум қилишича, АҚШ Давлат департаменти таклифига кўра Ўзбекистон Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов бошчилигидаги делегация 18 июль куни Вашингтон шаҳрида бўлиб ўтадиган Диний эркинликларни илгари суриш масалаларига бағишланган иккинчи вазирлар конференцияси ишида қатнашади.

**О. ФАЙЗИЕВ**
**(«Халқ сўзи») тайёрлади.**

## Марказий Осиё омбудсманлари Тошкентда учрашди

Унинг доирасида Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро институтлар ҳамкорлигини мустаҳкамлашга қаратилган «Йўл харитаси» қабул қилинди.

←1 Шунингдек, тадбирда Марказий Осиё мамлакатлари омбудсманлари ўртасида ҳамкорликни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари муҳокама этилди.

**Улуғбек МУҲАММАДИЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман):**



— Бугунги тадбиримиз шуниси билан эсда қоларли бўлдики, иштирокчилар Марказий Осиё мамлакатлари омбудсманлари ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро институтлар ҳамкорлигини мустаҳкамлашга қаратилган “Йўл харитаси”ни қабул қилишди. Бу минтақа мамлакатлари инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ташкилий-ҳуқуқий тажриба алмашиш учун платформалар яратиш, шу жумладан, халқаро форумлар доирасида тадбирлар ўтказишни, босма ва интернет-ресурслар яратишни ўз ичига олади. Шу жумладан, фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, меҳнат мигрантлари ва вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқий маданиятни ошириш, қийноқларнинг олдини олиш ва БМТ органларининг тавсияларини бажариш бўйича ишларни ташкил этишда ҳамкорликни мустаҳкамлаш режалаштирилган.

Иштирокчилар мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи институтларнинг тўлиқ ҳамкорлигини таъминлашга кўмаклашишига ишонч билдирди.

**Ришард КОМЕНДА,**
**БМТнинг Марказий Осиёда Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Бошқармаси минтақавий вакили:**



— Мазкур “Йўл харитаси”нинг қабул қилиниши Ўзбекистон учун нимаси билан муҳим? Айни пайтда мамлакатда барча соҳада бирдек кенг кўламли ислоҳотлар, қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқларини таъминлаш соҳасидаги янгиланишлар амалга оширилмоқда. Бу ҳужжат Ўзбекистон ҳукумати томонидан олиб борилаётган ўзгаришларга жуда ҳамоҳанг. Уни муваффақиятли тарзда амалга ошириш, омбудсманларнинг бу борада яқин қўшнилар билан қилинадиган ҳамкорлиги кўпгина муаммоларни осонликча ҳал этиш имконини беради. Бундан ташқари, самарали дўстона алоқалар бошқа соҳаларда, жумладан, инвестицияларни жалб қилиш, бизнесни ривожлантиришда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

**Аскар ШАКИРОВ,**
**Қозоғистон Республикасининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили:**



— Бу Марказий Осиё омбудсманларининг тўртинчи учрашуви. Илк мулоқотимиз Истанбулда, кейингиси Олмаота шаҳрида бўлиб ўтган эди. Мазкур тадбирларда минтақавий алоқаларимизни янада кучайтириш учун муносиб майдон яратиш масаласи кўп бора муҳокамалар марказида бўлди. Кейинчалик Женевада бўлган учрашувимизда бу каби таклифлар, ташаббуслар қатъийлашиб, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Бошқармаси, БМТ Тараққиёт дастури кўмагида ягона майдон яратиш тўғрисида хулосага келинди.

Минтақада ҳамкорликда ҳал қилишимиз лозим бўлган бир нечта масалалар бор. Жумладан, миграцион муносабатлар билан боғлиқ масала. Айниқса, фуқароларимиз қўшни давлатлар ҳудудида меҳнат қилишини ҳисобга олсак, уларнинг ҳуқуқлари ҳимояси долзарб аҳамият касб этади. Болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги ҳамкорлик ҳам ўзаро муносабатларимизнинг энг муҳим йўналишларидан бўлиб қолмоқда.

**Токон МАМИТОВ,**
**Қирғизистон Республикаси Акийкатчиси (омбудсман):**

— Марказий Осиё омбудсманлари яхлит ҳужжат қабул қилиш учун уч йилдан зиёдроқ вақт давомида биргаликда баҳамжиҳат ҳаракат қилишди.



Ўзбекистон ҳам уни мукаммал тарзда ишлаб чиқиш борасида ташаббус кўрсатган томонлардан бири. Натижани кўриб турибсиз, ҳужжат бир овоздан қабул қилинди. У, асосан, иккита муҳим масалани ҳал қилишда ёрдам беради. Биринчидан, омбудсманлар ва экспертларни бир даврага йиғади. Иккинчидан, бу бизга ўзаро ҳамкорликда иш олиб бориш, тажриба алмашиш, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги етакчи омилларни ўрганиш имконини беради.

Сир эмас, сўнгги йилларда бозор иқтисодиётининг жадал ривожи инсон ҳуқуқлари ҳимояси олдига янги масалаларни қўймоқда. Айрим йирик трансмиллий компаниялар, етакчи ишлаб чиқариш корхоналарида инсон ҳуқуқларининг бузилиш ҳоллари учраб турибди. Биргаликда интилсак, бу каби нохуш ҳолатларнинг олди олинади.

**Ражабмо ҲАБИБУЛОЗОДА,**
**Тожикистон Республикаси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг ўринбосари:**



— Марказий Осиё давлатларининг ҳар бирида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласи устуворлик касб этади. Соҳада халқаро талаб ва мажбуриятларни жорий этишга ҳам ўта масъулият билан қаралмоқда. Бу борада миллий ҳуқуқни ҳимоя қилиш институтлари зиммасига катта масъулият юкланади. Айнан шунинг учун минтақавий мулоқот майдони биз учун, ҳаммамиз учун сув ва ҳаводек зарур. “Йўл харитаси”га киритилган барча масала, яъни ўзаро тажриба алмашиш, меҳнат мигрантлари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ота-онаси миграция сабабли бошқа давлатларга кетганлиги боис миграция жараёнлари иштирокчисига айланган болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш шулар жумласидандир.

Ўйлайманки, Тошкент учрашуви самимий ва дўстона алоқаларимизни янада мустаҳкамлаб, янги босқичга олиб чиқишга катта туртки беради.

**Яздурсун ҚУРБАННАЗАРОВА,**
**Туркманистон Республикаси омбудсмани:**

— Бу учрашув биз учун жуда муҳим. Туркманистон минтақада биринчилардан бўлиб, БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича кўплаб ҳужжатларини ратификация қилди.



Бу билан давлатимиз мазкур халқаро ҳужжатларнинг ўз вақтида ижросини таъминлаш масъулиятини ҳам зиммасига олган.

Бизнинг мамлакатимизда омбудсман институти нисбатан ёш саналади. У 2017 йилда ташкил этилган. Шунга қарамай, ўзининг ваколатлари доирасида кўпгина ютуқларни қўлга киритиб келмоқда. Тошкентдаги учрашув бизга ҳамкасбларимиз илғор тажрибасини ўрганиш, халқаро экспертларнинг таклифларига қулоқ тутиш имконини берди.

Ҳамкорликда қабул қилинган “Йўл харитаси”да белгиланган тадбирлар нафақат минтақавий, балки миллий миқёсда ҳам инсон ҳуқуқларини таъминлашга замин яратади.

**Мунисхон КАРИМОВА**
**(«Халқ сўзи»).**

Динара ЧИРКОВА олган суратлар.

## Мамлакатимиз мажбурий меҳнатни тугатишга юқори даражадаги ўзгармас содиқликни намоён қилмоқда

←1 “Мажбурий меҳнатни тугатишга юқори даражадаги ўзгармас содиқлик”, шунингдек, фуқароларни, шу жумладан, давлат хизматчиларини мажбурий жамоат ишларига жалб қилишнинг олдини олиш бўйича ҳужжатлар қабул қилиниши алоҳида таъкидланади.

Аввалроқ, жорий йилнинг апрель ойи бошида, Брюсселда эълон қилинган 2018 йилги Учинчи томон мониторинги натижалари асосида Халқаро меҳнат ташкилоти Ўзбекистонда “мунтазам ёки тизимли мажбурий меҳнат” тўхтатилганини эътироф этди.

Ўзбекистонда сўнгги вақтларда давлат даражасида жиноятчиликни, хусусан, одам савдосини камайтиришга қаратилган улкан превентив чоралар қабул қилинди, мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик бўйича зарур ҳуқуқий ва институционал механизмлар яратилди. Фуқаролик жамияти ва хорижий инсон ҳуқуқлари тузилмалари билан очиқ мулоқот олиб борилмоқда, буни Ўзбекистон делегациясининг 2018 йил октябрь ойида “Cotton Campaign” халқаро коалицияси йиллик мажлисида иштирок этиши тасдиқлайди.

Шу билан бирга, ушбу механизмларни янада такомиллаштириш доирасида 2019 — 2024 йиллар учун Одам савдосига қарши кураш миллий стратегиясини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, шунингдек, бу каби жиноятларга қарши курашиш бўйича Миллий маърузачи институтини ташкил этиш режалаштирилмоқда.

**О. ЛУТФУЛЛАЕВ**
**тайёрлади.**

Фармацевтика саноати:

# Салоҳият ҳам, имконият ҳам етарли, бироқ...

*“Иссиқ жон иситмасиз бўлмас” деганларидек, тобимиз қочганда дори-дармонга эҳтиёж сезамиз. Кимдир қиммат бўлса ҳам, хорижда ишлаб чиқарилганини харид қилади, бошқа биров эса ўзимизнинг маҳсулотни маъқул кўради. Бу истеъмолчининг танлови, албатта.*

**Фармон ва ижро**

Бугун юртимизга чет элдан қанча дори-дармон импорт қилинади? Ўзимизда тайёрланаётгани ички бозор эҳтиёжларини қоплай оладими? Нега экспортдан импорт ҳажми ортиб бормоқда? Келинг, шу каби саволларга жавоб топиш мақсадида мамлакатимиз фармацевтика бозорини таҳлил этишга ҳаракат қилсак.

Статистик маълумотларга кўра, Ўзбекистон аҳолисининг ҳар 100 минг нафарига 24,5 мингта касаллик тўғри келади. Шулардан қарийб 11 мингтаси бирламчи касалланиш бўлса, қолган 13 мингдан ортиғи ўтган йилларда рўйхатга олинган хасталиклар ҳиссасига тўғри келади. Бу, ўз-ўзидан, дори воситаларига бўлган эҳтиёжни оширади.

### Амалиётга янги тартиб киритилмоқда

Яна бир таҳлил: ҳар йили мамлакатимизда 10 триллион сўмдан ортиқ миқдордаги турли дори воситалари истеъмол қилинар экан. Уларнинг 8 триллион сўмлик қисми хориждан импорт қилинади.

Хўш, нега? Нима учун мазкур йўналиш тарозига қўйилса, экспорт эмас, импорт палласи босиб кетяпти?

Сабаби аниқ, соҳадаги илмий тадқиқот ишлари ва ишлаб чиқариш қуввати етарли даражада эмас. Маҳаллий фармацевтика маҳсулотларининг тор ассортименти ички бозор эҳтиёжларини қондирмаяпти. Бу эса импортга ҳаддан ташқари боғланиб қолишга сабаб бўлмоқда. Корхоналарда халқаро стандартларни татбиқ этиш ишлари суст.

Ана шундай оғриқли муаммолардан келиб чиқиб, аҳолининг дори воситаларига бўлган эҳтиёжини қондириш, фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш, экспорт салоҳиятини кенгайтириш мақсадида шу йилнинг 10 апрелида Президентимизнинг “2019 — 2021 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини янада жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони имзоланди.

Ҳужжатнинг моҳияти хусусида тўхталишдан аввал шу пайтга қадар соҳа ривожи йўлида қилинган амалий ишларни ҳам қисқача келтириб ўтсак.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Президент сифатида ишга киришган дастлабки кунларданоқ аҳолини арзон ва сифатли дори воситалари билан таъминлаш ҳақида қайғуриб, бир қатор ҳужжатларни қабул қилди. Хусусан, 2016 — 2020 йилларда республика фармацевтика саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари бўйича дастур тасдиқлангани тизимда сезиларли ўзгаришларга олиб келди.

**Р**ақамларда ифодалайдиган бўлсак, 2015 йилда давлат тиббиёт муассасалари эҳтиёжлари учун 219 миллиард сўмлик дори воситалари сотиб олинган бўлса, дастур ижроси бўйича бу кўрсаткич 2016 йилда 4 фоиз, 2017 йилда 65 фоиз, 2018 йилда 143 фоиз ортди. Биргина ўтган йили шу мақсад учун сарфланган маблағ 914 миллиард сўмни ташкил қилди. Бу ўтган уч йил давомида тиббиёт муассасаларининг дори-дармон билан таъминланганлик даражаси 4 маротаба ўсди, деганидир.

Қолаверса, оилавий поликлиникалар қошида 2 200 та ижтимоий дорихона очилиб, уларнинг ҳар бири кунига ўртача 7 миллион сўмлик сифатли ва арзон дори воситалари билан таъминланмоқда.

Ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида қабул қилинган Фармон юқорида санаб ўтилган муаммоларни бартараф этишга катта йўл очади. Унга асосан, синов тариқасида дори воситалари ва тиббиёт буюмларини давлат томонидан харид қилишда маҳсулотнинг икки ва ундан ортиқ маҳаллий ишлаб чиқарувчиси мавжуд бўлса, чет эл ишлаб чиқарувчиларининг дори воситалари ва тиббиёт буюмлари бўйича таклифини инобатга олмаслик шарти белгилаб қўйилди.

Янги тартибга мувофиқ, давлат харидларини амалга оширишда барча импортёрнинг таклифлари рад этилмайди. Балки дори воситаси аналогларини жаҳон стандартларига жавоб берадиган даражада ишлаб чиқарувчи 2 та маҳаллий корхона давлат харидларида иштирок этиш истагини билдирса, импортёр таклифи рад этилади, холос. Қолаверса, фуқароларга ўзи истеъмол қиладиган дори воситаларини, жумладан, хорижий маҳсулотларни эркин танлаш ҳуқуқи сақлаб қолинади. Жорий этилаётган янги қоида ички бозорда муайян турдаги дори воситаларининг танқислиги ёки нархи ошиб кетишига олиб келмайди.

### «Хорижники афзал». Бу нотўғри тасаввур

Кузатувлар ва таҳлилларга кўра, юртдошларимиз аксарият ҳолларда хорижнинг дориларини афзал кўришмоқда. Кўпчилик ўзимизда тайёрланаётган дори воситалари жаҳон стандартларига жавоб бермайди, деган фикрда. Аслида ҳам шундайми?

Йўқ, албатта. Маҳаллий тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилаётган дори воситалари халқаро талабларга жавоб беради. Чунки бизда дори воситалари мажбурий сертификатланиши лозим бўлган маҳсулотлар турига киритилган бўлиб, табиийки, уларнинг сифатини назорат қилиш тизими мавжуд. Шу боис маҳаллий корхоналар томонидан тайёрланаётган маҳсулотнинг ҳар бир туркуми импорт дори воситалари каби мажбурий лаборатория текширувидан ўтказилади.

**Б**илиб қўйган яхши, дори воситаларининг хорижда ишлаб чиқарилиб, лабораторияларда синовдан ўтгани ҳар доим ҳам уларнинг жаҳон стандартларига мослигини англатмайди. Энди, мана бу таҳлилларга эътибор беринг: ўтган йили давлат лабораториясида ўтказилган текширувлар натижасига асосан, чет элда тайёрланган 189 номдаги 13 миллиондан зиёд шартли ўрам маҳсулотлари, 3 номдаги 1,5 миллиондан кўп қадоқланмаган таблеткалар, 31 номдаги 41 тоннадан ортиқ дори субстанцияларининг сифати меъёрий ҳужжатлар талабига жавоб бермаслиги аниқланган.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан тайёрланаётган айрим дори воситалари, хориж аналогларининг нафақат ўрнини босади, балки сифати билан ҳам чет эл бозорларида ўз харидорларини топиб бормоқда. Масалан, 25 та маҳаллий ишлаб чиқарувчининг “Циазит”, “Heprot”, “Лезинат”, “Аскорбин кислотаси” каби кўплаб дори воситалари 14 та давлатга экспорт қилинмоқда.

Айтиш кераки, яқин кунларгача дори воситаларини давлат томонидан харид қилиш ва тарқатиш жараёнида коррупция ҳолатлари учраганилигини инкор қилиб бўлмайди. “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонун билан дори воситаларининг импортёрлар ва маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан асоссиз равишда юқори нархларда сотилиши ҳамда коррупциянинг олди олинмоқда.

**Д**авлат харидлари учун жорий қилинган электрон аукцион ва дўкон тизимларидаги нархлар пасайтирилиши натижасида йил давомида 14 фоиз инфляция кузатилганига қарамасдан, 2018 йилда маблағларнинг 2017 йилдагига нисбатан 12 фоиз, яъни 162 млрд. сўм, шу йилнинг биринчи чорагида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 11 фоиз, аниқроғи, 12,9 млрд. сўм тежалишига эришилган.

Фармон билан айнан бир хил таркибли ва таъсирли дори воситаларини давлат харидлари учун сотиб олишда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга устунлик берилгани ҳам бежиз эмас. Зеро, бунда мамлакатимизнинг дори воситалари хавфсизлиги ҳамда тиббиёт муассасаларини дори воситалари билан тўлиқ таъминлаш, фармацевтика маҳсулотларининг ассортиментини кенгайтириш, хорижлик инвесторларни жалб қилиш, пировардида аҳоли саломатлигини янада мустаҳкамлаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадлари мужассамдир.

**Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги матбуот хизмати маълумотлари асосида**
**Р. ОТАМУРОДОВ тайёрлади.**

# ОЛИС ЙЎЛ ОТНИ, ОҒИР ЙЎЛ МАРДНИ СИНАЙДИ



## ЁХУД КИЧИК МУАММОНИНГ КАТТАЛАШИШИНИ КУТМАЙ, УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ҲАР БИР РАҲБАР-ХОДИМНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАСИ БЎЛМОҒИ ЛОЗИМ

*“Олис йўл отни, оғир йўл мардни синайди”. Мақоламизни бежиз ушбу мақол билан бошламадик. Чунки ўрганилган навбатдаги олий таълим муассасаси фаолияти бевосита йўл, аниқроғи, темир йўллари билан боғлиқ-да. Англаганингиздек, бу — Тошкент темир йўл муҳандислари институти.*

**Долзарб мавзу**

Таълим даргоҳи қарийб ўттиз гектар майдонни эгаллаган бўлиб, ундан муассаса биноси, ётоқхоналар, амалиёт бўлимлари ва бошқа муҳим объектлар ўрин олган. Бино таъмирдан чиқарилган, ҳудуди катта бўлишига қарамай, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари ўрнида.

“Гуруч курмаксиз бўлмайди”, деганларидек, амалга оширилган ишлар қаторида айрим муаммолар ҳам йўқ эмас. Дастлаб, талабалар учун яратилган шароитлар, хусусан, кутубхона фаолиятининг бугунги ҳолати билан қизиқдик.

120 ўринга эга ўқув залида талабаларга қулайлик яратиб бериш ишлари ҳам ниҳоясига етмаган. Жами 20 та компьютернинг 11 таси жойида йўқ. Кутубхоначи Муқаддас Ражабованинг маълум қилишича, тест синовларини топшириш учун олиб чиқиб кетишган. Боз устига, қолган компьютерларнинг 4 таси ишламайди.

Энг қизиғи, бу ерга талабалар китоб олиш учун эмас, балки дарс қилиш учун кирдими, тамом, уни ҳам китоб олганлар рўйхатига киритиб қўйишар экан. Буни шу ойнинг ўтган даврида 342 нафар талаба кириб, атиги 38 та китоб олинганидан ҳам билиш мумкин. Ёки бўлмаса, 11 минг 115 нафар талаба ўқув залига кирса-ю, 1237 та адабиёт олинса...

Ўқув адабиётлари бўлимидаги аҳвол ҳам ачинарли. Талабалардан қабул қилиб олинган китоблар бетартиб. Бундай ҳолат уларнинг янада эскириб, йиртилиб кетишига олиб келишини наҳотки тушуниб етишмаса? Кутубхоначи Муяссар Нигматова эса адабиётларнинг аниқ умумий сонидан ҳам, бу йил қанча янги китоб олинганидан ҳам бехабар. Қисқаси, одамларга маънавият улашадиган бу масканда, афсуски, тартиб-интизом йўқ, файз йўқ.

Айрим адабиётлар шу даражада эскириб кетганки, уни варақлаб ўқиш у ёқда турсин, ёзувларини англаб олишнинг ўзи мушкул.

“Инновацион ўқув маркази”. Унинг номини ўқиб, мазкур маскан энг замонавий инновацион ишланмалар, асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бўлса керак, деган фикрда ичкарига кирдик. “Номи улуғ, супраси қуруқ” дегандай, кирдиг-у, ҳафсаламиз пир бўлди. Тўғри-да, янги ишланмалар тезкорлик билан кириб келаётган бугунги шиддатли даврда бу масканни, бор-йўғи, 43 та компьютер билан “Инновацион ўқув маркази”га айлантириб бўлармиди?!

Назорат — ишда тартиб-интизом ўрнатадиган муҳим мезон. Бироқ ушбу тизим институтнинг айрим кафедраларида мавжуд эмаслиги кўнгилни хира қилади. Ташишни ташкил этиш ва транспорт логистикаси факультетида юритилаётган журналларни кўриб, ана шундай хулосага келдик. Гап шундаки, журналларга ўқитувчилар ўтган дарсларини тасдиқлаб имзо қўйган. Аммо факультет декани томонидан тўлиқ назорат қилинмаган. Факультет декани ўринбосари Феруза Жўрабоеванинг таъкидлашича, талабаларнинг қайси фандан ва қачон имтиҳонга кириши уларга бир кун олдин маълум қилинади. Лекин мазкур ҳолат белгиланган талаблар асосида камида бир ой олдин тасдиқланиши ва талабалар хабардор этилиши лозим.

Энди талабалар тураржойларининг ҳолатига бир назар. Бугунги кунда талабалар ихтиёрида 4 та ётоқхона бўлиб, уларда зарур қулайликлар яратиш учун ҳаракат қилинган. Бироқ камчиликлардан холи эмас. Жумладан, 4-В ётоқхонасининг баъзи хоналарида 6 нафардан талаба яшамоқда. Буни кўриб, ёдга келган мақол шу бўлди: “Тор жойда ош егандан...”

> Кутубхонанинг бадиий адабиётлар бўлимида 29 мингдан ортиқ китоблар мавжуд. Борликка бор-у, лекин улардан фойдаланиш даражаси билан мақтаниб бўлмайди. Мисол учун, китоб олувчиларни қайд этиш дафтарининг “гувоҳлик бериши”ча, бир ойда ўртача 100 — 150 нафар талаба бадиий адабиёт олар экан. Ўқитувчилар эса бу борада янада “фаол”, яъни ойига, бор-йўғи, 50 — 60 нафар. Талабалар сони 5200 нафардан зиёдлигини ва асосий штатдаги профессор-ўқитувчилар сони 300 нафарга яқинлигини инобатга оладиган бўлсак, бу жуда кам кўрсаткич эмасмикин? Мавжуд компьютерларнинг интернет тизимига уланмаганини ҳам оқлаб бўлмайди.

> Талабалар тураржойларида амбулатория ва тиббиёт хоналари фаолияти йўлга қўйилган. Бу яхши, албатта. Лекин уларни хўжакўрсинга ишлатишдан кимга наф! Тўғри, балки бу ердаги саноқли таблеткалар беморларга биринчи ёрдам кўрсатиш учун ярар, аммо бу масаланинг ечими эмас. Белгиланган тартиб бўйича бундай хоналар зарур дори-дармон воситалари билан таъминланиши лозим. Шунда дори сақлаш учун қўйилган музлаткичлар ичи бўм-бўш бўлмасмиди?!

Афсуски, худди шундай ҳолатни Тошкент темир йўл транспорти касб-ҳунар коллежида ҳам кузатдик. Ҳамшира Гулнора Баратова биринчи ёрдамда ишлатиладиган дорилар нечта бўлишини ҳам билмайди, намунага мос рўйхат ҳам мавжуд эмас.

Коллежда 1162 нафар ўқувчи таҳсил оляпти. Улар билан бўлган самимий мулоқот чоғида муассасада яратилган шароитлар ҳамда муаммолар билан ҳам танишдик. Ўқувчилар аксарият адабиётлар рус тилида эканлиги ва эскирганини, уларни ўзбек тилида чоп этиш мақсадга мувофиқлигини айтишди.

Қисқаси, мақоламиз аввалида келтирилган мақолда айтилганидек, “оғир йўл мардни синайди”. Темир йўл соҳасига малакали кадрларни тайёрлаш, уларга барча шарт-шароитни яратиб бериш осон иш эмас. Шундай синовдан ўта олиш, замон талабларига мос фаолият юритиш, кичик муаммоларнинг катталашишини кутмасдан, уларни ўз вақтида бартараф этиш эса ҳар бир раҳбар-ходимнинг биринчи галдаги вазифаси бўлмоғи лозим.

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯМИЗ МИНТАҚАДА ЕТАКЧИЛИККА ЭРИША ОЛАДИМИ?

*Президентимизнинг 2018 йил 27 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг фуқаро авиациясини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида Миллий авиакомпаниямиз фаолиятига доир кўплаб вазифалар белгилаб берилган эди. Хўш, улар ижроси юзасидан қандай ишлар амалга оширилмоқда? Авиакомпания томонидан ташкил этилган матбуот анжуманида шулар хусусида батафсил маълумот берилди.*

**Анжуман**




Ушбу ҳужжатга мувофиқ, қайта ташкил этиш йўли билан МАК негизида “Uzbekistan Airways” ва “Uzbekistan Airports” акциядорлик жамиятлари тузилади. Компаниянинг таркибига кирувчи давлат унитар корхоналари масъулияти чекланган жамиятларга айлантирилмоқда. “Махсус авиация ишлари” ДУК негизида “Uzbekistan Helicopters” МЧЖ ташкил этилиб, “Ўзаэронавигация” маркази Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги тасаруфига ўтказилади.

Фармонда, шунингдек, бир марталик қатновларга ва аэродромлар яқинида объектлар қурилишига рухсат бериш ваколатини “Даваиаиназорат” инспекцияси (эндиликда Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги қошидаги Фуқаро авиацияси агентлиги)га ўтказиш йўли билан давлат бошқаруви ва рақобат муҳитини янада кучайтириш назарда тутилган.

Таъкидлаш жоизки, автомобиль, темир йўл, ҳаво, дарё, метро транспорти, шунингдек, йўл транспорти соҳасидаги ягона давлат бошқаруви органи сифатида Транспорт вазирлиги ташкил этилиши мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда жуда муҳим қадамдир. Бундан ташқари, мазкур ҳужжат ижросини таъминлаш мақсадида Миллий авиакомпанияда раҳбар таркиб ва масъул мутахассислардан иборат ишчи гуруҳи тузилган. Авиакомпания ҳамда унинг таркибига кирувчи корхоналарни қайта ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Ҳозир МАК томонидан Жаҳон банки гуруҳи кўмагида Марказий Осиё минтақаси ҳаво транспорти бозорида етакчиликка эришиш мақсадида бизнес-режа ишлаб чиқилмоқда. Бу борада халқаро тажрибалар жорий этилиб, авиаташувлар ва аэропортлар фаолияти бўйича вазифаларни мустақил корхоналарга тақсимлаш тадбирлари бошланган.

Айни пайтда “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпанияси аэропортларидан самолётлар 63 халқаро йўналиш бўйича мунтазам учмоқда. Ўтган йилдан бошлаб бугунги кунга қадар тўртта янги — Мумбай, Владивосток, Жидда ва Жакартага йўналишлар очилди. Пировардида 2018 йил якунига кўра, авиакомпаниямиз ўз тарихида илк маротаба уч миллионлик босқични босиб ўтиб, 3 миллион 173 минг йўловчини ўз манзилига етказиб қўйди. Ўтган йилда ички авиаёнилғининг нархи ошишига қарамасдан, ўртача тариф халқаро йўналишлар бўйича 13 фоиз, маҳаллий йўналишларда эса 50 фоизгача пасайтирилди. Парвозлар сони ҳам ҳафтасига 36 тага ортиб, битта самолётнинг ўртача парвоз вақти бир кеча-кундузда 10,9 соатни ташкил этди. Ҳолбуки, жаҳон амалиётида бу кўрсаткич 10 соатга тенг.

Буларнинг барчаси иқтисодий ўсиш, авиакомпания фаолиятининг самарадорлиги ҳамда рақобатдошлигини ошириш ва парвозлар хавфсизлигини юқори даражада таъминлашга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# ЯНГИЛИКЛАР *хабарлар* ТАФСИЛОТЛАР

*Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги делегацияси аъзолари Беларусь давлат информатика ва радиоэлектроника университети (БДИРУ)га ташриф буюрди.*

## АКТ бўйича кадрлар тайёрлашда Беларусь билан ўзаро тажриба алмашилади

Иштирокчилар университет таълим, илмий фаолияти ҳамда халқаро ҳамкорлигининг асосий йўналишлари билан танишдилар.

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети раҳбарияти ҳамда Беларусь давлат информатика ва радиоэлектроника университети ректори 2019/2020 ўқув йили учун таълим дастурларини амалга ошириш бўйича ахборот технологиялари қўшма факультети иш режасини имзоладилар.

Шунингдек, томонлар факультетда ўқув жараёнини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари, ўзбекистонлик талабаларнинг БДИРУда интеграциялашган ўқитиш имкониятларини муҳокама қилдилар.

Таъкидлаш керакки, 2019/2020 ўқув йилидан бошлаб, ахборот технологиялари бўйича қўшма факультетига ахборот технологияларининг дастурий таъминоти, дастурланадиган мобиль тизимлар, сунъий интеллект йўналишлари бўйича абитуриентлар ҳужжат топширишлари мумкин.

Ушбу факультетда таълим олиш икки босқичда ташкил этилиши кўзда тутилган. Жумладан, талаба 1 ва 2-босқичларда ТАТУда таҳсил олса, 3 ва 4-босқичларни БДИРУда давом эттиради.

**«Халқ сўзи».**

## Бунақаси камдан-кам учрайди

*Бухоро шаҳридаги 2-умумтаълим мактаби битирувчиларининг 8 нафари ўқишни олтин медаль билан тугатди.*

— Устозларимиз, ота-онамиз ишончини оқлаганимиздан жуда хурсандмиз, — дейди улардан бири Жавоҳир Бобоқулов. — Лекин биз муаллимларимиз таъкидлашгани каби йўл бошида турибмиз. Нуфузли олий ўқув юртларида таҳсилни давом эттириб, малакали кадр бўлиб етишамиз. Мамлакатимиз равнақига ўз ҳиссамизни қўшамиз.

Жавоҳир бу сўзларни мактабни аъло баҳоларга тугатган ўқувчилар билан учрашув чоғида айтди. Вилоят Ёшлар марказида ташкил этилган тадбирда тенгкурларига ҳар томонлама ўрнак бўлган ўғил-қизларга олтин ва кумуш медаллар тантанали тарзда топширилди. Улар, шунингдек, вилоят ҳокимлигининг эсдалик совғалари билан ҳам тақдирланди.

Жорий йилда вилоятдаги 528 та умумтаълим мактабининг 11-синфини 16 минг 950 нафар ўқувчи битирди. Уларнинг 144 нафари олтин, 151 нафари кумуш медалга сазовор бўлди.

Тадбирда вилоят ҳокими Ў. Барноев иштирок этди.

**Истам ИБРОҲИМОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

## Бедана сайраганда дил яйрайди

*Марғилон шаҳрининг Чароғон маҳалласида яшовчи Муҳаммадамин Муллаев тўртта бедана парвариши билан тадбиркорликни бошлаган. Ҳозир унинг сайроқи қушлари сони юзга яқин. Беданаларни харид қилиш учун ишқибозлар қўшни вилоятлардан ташқари, Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистондан атайин Марғилонга келишади.*

— Беданачиликда бир пайтнинг ўзида бир хонадонда 100 га яқин беданалар боқиш салмоқли иш. Сайроқилиги уларнинг баҳосини белгилайди. Масалан, бир сайраганда салмоқ бедана тўрт марта, вакалак олти марта, югутма саккиз марта сайрайди. Шунингдек, бедананинг сидирға, таталоқ, тез таталоқ каби турлари ҳам бор. Кўп сайрагани харидоргир бўлади.

Беданалар қайси ҳудуд ва қандай шароитда парваришланса, уларнинг ини ҳам шунга мос бўлади. Масалан, қорақалпоғистонликлар харидор бўлса, уялар ўтовга ўхшатиб ясалади. Қирғизистон, Қозоғистондаги бедана ишқибозлари учун қуш ини чўпли қилиб тайёрланади. Тилларанг ва нақшинкорлари пойтахт ҳамда шаҳарлардаги бедана шинавандалари учун.

**Элёржон ЭҲСОНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

# Хорижлик журналистлар «Навоий» ЭИЗда

*Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигида аккредитациядан ўтган хорижлик журналистлардан бир гуруҳи “Навоий” эркин иқтисодий зонаси фаолияти билан танишди.*

**Ҳамкорлик**

Мазкур сафар Ташқи ишлар вазирлиги, Навоий вилояти ҳокимлиги ҳамда “Навоий” эркин иқтисодий зонаси дирекцияси томонидан ташкил этилди. Унда Афғонистон, Буюк Британия, Эрон, Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон, Россия ҳамда Туркиянинг машҳур телеканаллари, газеталари ва ахборот агентликлари вакиллари қатнашди.

Журналистлар дастлаб “Навоий” эркин иқтисодий зонасида фаолияти йўлга қўйилган инвестициявий лойиҳалар, бу ерда хорижлик сармоядорлар учун яратилган қулайлик ҳамда имтиёзлар, ҳудуднинг инвестициявий жозибадорлиги билан яқиндан танишдилар.

Шунингдек, “Навоий” эркин иқтисодий зонасида матбуот анжумани ўтказилди. Вилоят ҳокимлиги, божхона бошқармаси, ЭИЗ дирекцияси ҳамда “Навоий” халқаро аэропорти мутасаддилари журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

— Анжуманда “Навоий” эркин иқтисодий зонасига сўнгги икки йилда олдинги тўққиз йилдагига нисбатан кўп инвестиция жалб этилганлиги таъкидланди, — дейди Эроннинг “Fars news” АА мухбири Шерали Авезматов. — Бу Ўзбекистоннинг инвестициявий жозибадорлиги тобора ошиб бораётганидан далолатдир. Айни пайтда эронлик сармоядорларнинг бир қатор лойиҳалар бўйича Навоий вилоятида ишлаётганлиги қувонарли ҳол. Албатта, бу ҳамкорлик мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлайди.

**Темур ЭШБОЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**

ЭЪЛОНЛАР

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ ҲУЗУРИДАГИ**
**МАЖБУРИЙ ИЖРО БЮРОСИНИНГ**
**«ЭЛЕКТРОН ОНЛАЙН-АУКЦИОНЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАРКАЗИ» ДУК**
**онлайн-аукцион савдосига таклиф қилади.**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Республика инкассация хизмати» давлат унитар корхонасининг Навоий вилояти бошқармаси билан 2018 йил 30 ноябрда тузилган 265/2018-04-сонли шартномага асосан **https://www.e-auksion.uz** электрон манзилидаги электрон савдо майдончасида **2019 йил 22 июлда** ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига «Республика инкассация хизмати» ДУК Навоий вилояти бошқармасининг қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади:

| Т/р | Автотранспорт русуми | Ишлаб чиқарилган йили | Давлат рақами | Лот рақами |
|---|---|---|---|---|
| 1. | «УАЗ 31514» | 2001 | 85 148 DAA | 0083391 |
| 2. | «УАЗ 31514» | 2001 | 85 837 BAA | 0083392 |
| 3. | «УАЗ 31514» | 1997 | 85 494 CAA | 0083393 |
| 4. | «УАЗ 31514» | 1997 | 85 496 CAA | 0083394 |
| 5. | «Nexia Sons» | 1998 | 85 480 CAA | 0083395 |

**Автотранспортлар сақланаётган манзил: Навоий вилояти, Навоий шаҳри, Ғалаба шоҳкўчаси, 220-уй.**

***Талабгорлар диққатига!***

Аукцион савдосида иштирок этиш — **«E-IJRO AUKSION»** ягона электрон савдо майдончаси ахборот тизимида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиш йўли билан амалга оширилади.
Аризалар 2019 йил 20 июлгача қабул қилинади.

487J/338

QISHLOQQURILISHBANK

**«Қишлоқ қурилиш банк» АТБ**
**банк фаолиятига доир қуйидаги хизматлар бўйича корхона ва ташкилотлар ўртасида танлов эълон қилади:**

— ўзбек, рус, инглиз тилларида рангли фотоальбом тайёрлаш ва чоп этиш;
— банкнинг ривожланиш тарихи ҳамда фаолиятига доир ўзбек тилида китоб тайёрлаш ва чоп этиш;
— ўзбек, рус ва инглиз тилларида ҳужжатли фильм тайёрлаш;
— ўзбек ҳамда рус тилларида видео ва аудиороликлар тайёрлаш;
— видео-аудиороликларни телеканаллар ва радиоканаллар эфирига жойлаштириш.

Танловга юбориладиган тижорат таклифлари 2019 йил 28 июнь куни соат 17.00 га қадар, ёпиқ конвертда қабул қилинади.

Танлов шартлари ҳақида батафсил маълумотларга эга бўлиш учун қуйидаги манзилга ёки телефон рақами орқали мурожаат қилишингиз мумкин:

**100011, Тошкент шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 18-«А» уй.**
**«Қишлоқ қурилиш банк» АТБ ахборот хизмати.**
**Телефонлар: 71-150-72-63, 71-150-45-34, www.qqb.uz**

Хизматлар лицензияланган.

484J/195

**26 июнь — Халқаро наркотик моддаларни суиистеъмол қилиш ва уларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш куни**

# Гиёҳвандлик воситалари контрабандаси ва унинг ноқонуний савдосига йўл йўқ

*Гиёҳвандлик ҳамда наркотик моддаларнинг ноқонуний айланмаси дунё миқёсидаги энг долзарб муаммолардан бири. БМТ маълумотига қараганда, дунёда ҳар йили гиёҳвандликка чалинган қарийб 230 минг киши ҳаётдан эрта кўз юмар экан. Шу боис наркотик воситалар контрабандаси ва унинг ноқонуний савдосига қарши курашиш халқаро аҳамиятга молик масаладир.*

Юртимизда гиёҳвандликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш борасида зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борадаги ишлар, айниқса, Халқаро наркотик моддаларни суиистеъмол қилиш ва уларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш куни муносабати билан ҳамда “Гиёҳвандликка қарши курашиш ойлиги” доирасида янада кучайтирилади. Бунда ҳуқуқтартибот идоралари масъуллари фаоллик кўрсатишяпти.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси маълумотларига кўра, яқинда Андижон вилояти божхоначилари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар билан ҳамкорликда икки килограмм гиёҳвандлик воситасининг ноқонуний айланмасига чек қўйишди.

Гап шундаки, қўшни давлатдан мамлакатимизга ўзининг “Hyundai Getz” русумли автомашинасида кириб келган фуқаро А. А.нинг хатти-ҳаракатлари божхоначилар эътиборини тортди. Шундан сўнг ушбу шахс белгиланган тартибда назоратдан ўтказилди. Натижада фуқаро устомонлик билан машина ўриндиғи ичига 1169 грамм “гашиш” ва 836,17 грамм “опий”ни жойлаштириб, устидан ғилофни тикиб қўйгани аниқланди.

Яна бир мисол. Сурхондарё вилояти божхона бошқармаси “Айритом” чегара божхона пости орқали мамлакатимизга кириб келган хориж фуқароси В. Т. божхона назоратидан ўтказилди. Натижада мазкур шахсга тегишли қўл сумкаси ичида умумий оғирлиги 51,27 грамм “кўкнори” бошоғи гиёҳвандлик воситаси ва кийими чўнтагида 0,51 грамм “гашиш” гиёҳвандлик моддаси борлиги аниқланди.

Мазкур ҳолатлар юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

**Р. МУРОДОВ.**

# АЁЛГА БЎЛГАН ҲУРМАТ-ЭЪТИБОР

## БУ АВВАЛО, ОИЛАГА, ЖАМИЯТ КЕЛАЖАГИГА БЎЛГАН ҲУРМАТ-ЭЪТИБОР ИФОДАСИДИР

Шу ўринда мени онгимизда чуқур илдиз отган бир ақида кўп ўйлантиради. Биз доимо аёл — бу она, оиламиз бекаси, деб уларни улуғлаймиз. Бу тўғри, албатта. Аммо ҳозирги кунда ҳар бир хотин-қиз демократик жараёнларнинг кузатувчиси эмас, балки фаол ва ташаббускор иштирокчиси бўлмоғи шарт.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ**

***Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йиғилмаси ялпи мажлисидаги нутқида парламентимиз олдида турган долзарб масалалар билан биргаликда, яна қатор вазифаларга халқимиз диққат-эътиборини қаратди. Хусусан, ҳозирги глобаллашув даврида хотин-қизлар ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш янада долзарб аҳамият касб этаётгани алоҳида таъкидланди. Айниқса, аёлларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини оширишни бугун давларнинг ўзи талаб этмоқда.***

***Қуйидаги махсус саҳифамиз ана шу долзарб масалага бағишланди.***

## Давлат бошқарувида хотин-қизларнинг ўрни янада мустаҳкамланди



Юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жамият ҳаётининг барча соҳасига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Улар халқимиз турмуш даражасини сифат жиҳатидан тубдан яхшилаш, мамлакатни ривожлантиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Бугун биз қайси соҳага, яъни сиёсат, иқтисодиёт ёки ижтимоий жабҳага эътиборимизни қаратадиган бўлсак, аниқ натижаларга гувоҳ бўламиз.

Бу жараёнларда хотин-қизларимизнинг иштироки жуда муҳим. Галдаги вазифа — уларнинг фаол иштирокини янада кучайтириш, Президентимиз биз, хотин-қизларга билдираётган мустаҳкам ишончини тўлақонли оқлашга интилишдан иборат.

Ўзбекистон тарихида илк маротаба Сенат Раиси лавозимига аёл киши муносиб кўрилди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан биринчи марта аёл номзоди юқори давлат лавозимига кўтарилди ва давлат бошқарувида аёллар ўрни янада мустаҳкамланди. Сенатор аёл сифатида бу кўксимни тоғдек кўтарди. Ишонаманки, бу давлатимизда хотин-қизларга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг олий намунаси сифатида ҳар бир ватандошимизга, азиз опа-сингилларимизга катта ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Нафақат биз сенаторлар, балки бутун халқимиз билдирилган ишончни оқлашга, мамлакатимизда кечаётган ислоҳотларга дахлдорликни ҳис этиб яшашга ҳаракат қиламиз.

**Агрепина ШИН,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси,**
**мактабгача таълим вазири.**

## ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИ ТОМОНИДАН ЮҚОРИ БАҲОЛАНМОҚДА

Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, аёлларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида тўлақонли иштирок этишига эришиш, гендер тенглиги ва репродуктив саломатликни таъминлаш бўйича олиб борилаётган давлат сиёсати жаҳон ҳамжамияти, шу жумладан, БМТ, Халқаро меҳнат ташкилоти, ЮНИСЕФ, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва бошқа қатор нуфузли халқаро муассасалар томонидан эътироф этилиб, юқори баҳоланмоқда.

Хусусан, **БМТ Бош котиби Антониу ГУТЕРРИШ** шу йил 11—17 март кунлари бўлиб ўтган БМТ Хотин-қизлар аҳволи бўйича комиссиясининг 63-сессиясида юртимизда бу борада олиб борилаётган ишлар тўғрисида тўхталиб, жумладан, шундай деганди:

**«Қардаки сиёсий ва ижтимоий ҳаётда хотин-қизлар фаол иштирок этаётган бўлса, ўша жойда иқтисодиёт ўсмоқда, барқарорлик мустаҳкамланмоқда ва фуқароларнинг фаровонлиги юксалмоқда».**

## Бўлажак сайловларда сиёсий етук ва ташаббускор аёлларни сайлаш жуда муҳим

Мамлакатимиз сайлов қонунчилигида парламент ва маҳаллий Кенгашларга бўладиган сайловларда хотин-қизлар орасидан кўрсатиладиган номзодлар бўйича 30 фоизлик квота белгиланган. Аммо депутатликка сайланган опа-сингилларимиз сони бу кўрсаткичдан анча паст. Шу боис жорий йилда Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловларда сиёсий етук ва ташаббускор аёлларни сайлаш масаласи ҳам эътиборда бўлади.

Олий Мажлис Сенатида Хотин-қизлар ва гендер тенглиги масалалари бўйича янги қўмита тузиш таклифи ҳам айни муддао бўлди. Мазкур тузилма аёллар соғлиғини мустаҳкамлаш, уларнинг тиббий саводхонлигини ошириш, қизларни ҳаёт ва оилага тайёрлаш, замонавий билим ҳамда касб-ҳунар ўргатиш, иш билан таъминлаш, тадбиркорликка жалб қилиш юзасидан чора-тадбирлар кўриш ва бошқа қатор вазифалар билан шуғулланади.

Хотин-қизлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар, жумладан, жиноятчилик, одам савдоси, оилавий ажримлар, эрта никоҳлар, ўз жонига қасд қилиш каби ҳолатларнинг олдини олиш ҳам муҳим ишлардан саналади. Ўз навбатида, жамиятимизда рўй бераётган ижобий ўзгаришларда хотин-қизлар ролини янада кучайтириш, уларнинг интеллектуал салоҳияти ва истеъдодини рўёбга чиқаришдан ташқари, мамлакатимизда гендер тенглигини таъминлаш йўлида зарур чоралар



кўрилади. Зеро, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, аёлга бўлган ҳурмат-эътибор — бу аввало, оилага, жамият келажагига бўлган ҳурмат-эътибор ифодасидир.

**Светлана АРТИКОВА,**
**Олий Мажлис Сенати Раисининг ўринбосари.**

## Халқчил қонунлар яратиш зарурати



Аёллар ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини ошириш давр талабига айланган бир пайтда юртимизда бу борада олиб борилаётган ижобий ишлар нафақат халқимиз, айни чоғда жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилиб, юқори баҳоланмоқда.

Кейинги йилларда ижтимоий ҳимояга муҳтож аёлларни замонавий уй-жойлар билан таъминлаш бўйича мутлақо янги тизим яратилди. Ушбу тизим асосида 1 минг 564 нафар хотин-қиз нафақат уй-жойга, балки иш ўринларига эга бўлди. Табиийки, ислоҳотларни чуқурлаштириш учун унинг ҳуқуқий асосини янада мустаҳкамлаш, таъбир жоиз бўлса, ўз-ўзидан ишлаб кетадиган қонунлар яратишимиз талаб этилади.

Шу маънода, "Эркаклар ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлари ва имкониятлари кафолатлари тўғрисида"ги ҳамда "Аёлларни тазйиқ ва зўравонликлардан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаларини тезроқ ишлаб чиқишимиз зарур. Бу жараёнда биз, депутатлар фаоллик кўрсатиб, уларнинг ҳар бир моддаси устида чуқур ишлашимиз, аниқ айтадиган бўлсак, ҳуқуқни қўллаш амалиётида қийинчиликсиз ишлаб кетадиган халқчил қонунлар бўлишига эришмоғимиз айни заруратдир.

**Мавлуда ХЎЖАЕВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

## Ўтган қисқа даврда мамлакатимизда хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга доир

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг**
— **2 та** **Фармони,**
— **2 та** **қарори,**

**Ҳукуматнинг**
— **6 та** **қарори**
— **4 та** **фармойиши қабул қилинди.**

## Бир пайтлар оналаримизда биздаги имкониятлар бўлмаган



Халқимизда азалдан аёлни она сифатида юксак улуғлайди. Аммо бугун шунинг ўзи камлик қилади. Президентимиз таъкидлаганидек, хотин-қизларни фақат она сифатида эъзозлаш ақидаси барчани ўйлантириши керак. Негаки, ана шундай қараш билан уларни ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги иштирокидан узоқлаштириб қўяётгандекмиз...

Кейинги йилларда бунга барҳам берилиб, чекка қишлоқларда ҳам уларга жамият ишларида фаол қатнашиши учун шароитлар яратилмоқда. Масалан, хотин-қизларимизни маданият, санъат ва спортга кенг жалб этиш чоралари кўрилмоқда. Ўзим спортчи бўлганим учун бу соҳанинг аёллар ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини яхши англайман. Бинобарин, онам уй бекаси, у менга ҳам ҳавас қилади, ҳам ёшликдаги орзулари ижобатини менда кўрганини кўп бор такрорлайди. Негаки, у кишида биздаги имкониятлар бўлмаган...

Ҳозир қишлоғимиздаги мактабда шахмат дарси ҳам ўтилмоқда. Айни пайтда айрим мактабларда синов тариқасида жорий қилинган мазкур машғулотларда кўплаб ўқувчи-қизлар шахмат сирларини ўрганаётганидан қувонаман. Чунки "ақл машқи" дея таърифланадиган шахмат қизларимизда холис фикрлаш, ҳар қандай вазиятда тўғри йўлни танлаш салоҳиятини шакллантиришга катта ёрдам беради.

**Сарвиноз ҚУРБОНБОЕВА,**
**Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси, аёллар ўртасида шахмат бўйича халқаро гроссмейстер.**
Боёвут тумани.

## Аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги бўйича ўтказилган сўровда

— **иштирокчиларнинг 70,2 фоизи юртимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий фаоллигини ошириш учун барча зарур шарт-шароит яратилганини қайд этган.**

— **81,5 фоиз** **респондентларнинг фикрича, аёлларнинг жамоат ёки сиёсий ташкилотларда ўз фаолиятини амалга оширишида ҳеч бир шахс ва бирор-бир ҳолат уларга халақит бермайди.**

## Ваколатимизнинг қолган муддати ҳам оз фурсат эмас



Депутатлик ваколатимиз поёнига етиб бормоқда. Одатда, бундай кезда ҳар бир инсон ўз фаолиятини сарҳисоб қилади. Афсуски, бугун биз, маҳаллий Кенгашлар депутатлари ўз сарҳисобимиз ранг-баранглиги билан мақтана олмаймиз.

Тўғри, сўнгги пайтларда вилоят ҳамда туман Кенгашларида маҳаллий ҳокимият бошқарма бошлиқлари, ташкилот раҳбарларининг ҳисоботларини тинглаб, улар фаолиятига бир қадар баҳо бердик. Аслида бу ҳам "юқоридан келган топшириқ" бўлиб, шунчаки ижрочиликка кўникиб қолган эканмиз.

Фаолиятимиздаги бир-бирига ўхшаш сессиялар дебат ва тортишувдан холи тарзда ўтиши, нафақат асос сифатида қабул қилинган қарорлар, балки регламентнинг олдиндан маълумлиги — энди ўйласам, кўпнинг ишончини суиистеъмол қилишдан бошқа нарса эмас экан.

Ахир, уй-жойсиз ногирон сайловчилар, ноиложликдан иш излаб четга чиқиб кетаётган аёлларимиз, ночор таълим муассасаларимиз, ўзи ёрдамга муҳтож "тез ёрдам", ўйдим-чуқур кўчалар, боғчадан мосуво қишлоқларимиз борлигини билмасмидик... Ушбу муаммолар Юртбошимиз томонидан илгари сурилган "Обод қишлоқ", "Ҳар бир оила — тадбиркор" каби дастурлар, қатор лойиҳалар боис ўз ечимини топа бошлагач ҳам, афсуски, шунчаки кузатувчи бўлиб қоляпмиз.

Бу фикрларни айтиш билан шулардан хулоса чиқариб, янгиланишларга қўшилишимиз, керак демоқчиман. Ишлайман, деган одамга ваколатимизнинг қолган муддати ҳам оз фурсат эмас.

**Саодат БОЗОРОВА,**
**Халқ депутатлари Кармана тумани Кенгаши депутати.**
Навоий вилояти.

## Бугунги кунда юртимиздаги давлат ва жамоат ташкилотларида:

— **1 минг 400 га яқин** аёллар раҳбарлик лавозимида ишламоқда.
— Олий Мажлис Сенатида **17 нафар** сенатор,
— Қонунчилик палатасида **21 нафар** депутат,
— маҳаллий Кенгашларда **23 фоиз**дан зиёд хотин-қизлар фаолият олиб бормоқда.

## Турли корхоналарда ишлаётган раҳбар аёллар сони

— 2017 йили **44,2 фоиз**ни ташкил этган бўлса,
— 2019 йилда **45,3 фоиз**га етди.

## Шунингдек, хотин-қизларнинг турли соҳалардаги улуши

— соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар соҳасида **82**,
— илм-фан, таълим-тарбия, маданият ва санъат соҳаларида **72**,
— қишлоқ хўжалигида **45 фоиз**дан ортиқни,
— саноатда **38 фоиз**ни ташкил этмоқда.

## Маҳалла муаммоларини теранроқ ҳис этишади



Бугун мамлакатимизда хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, аёлларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида тўлақонли иштирок этишига эришиш, гендер тенглиги ва репродуктив саломатликни таъминлаш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Бу амалда ўз самарасини бера бошлади. Буни жорий йил май ойида республикамизда ўтказилган фуқаролар йиғинлари раислари сайловларида 1 минг 25 нафар аёл фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раиси лавозимларига сайлангани мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Ушбу тадбир жараёнида кузатишимиз натижалари шуни кўрсатдики, опа-сингилларимиз маҳалла муаммоларини теран ҳис этади ва уларга ечиб топишда ҳам шундай нафосат билан ёндашади. Бу жойлардаги муаммоларни ҳал этишда хотин-қизлар иштирокини кенгайтириш катта самара беради, деганидир.

**Дилшода МИРЗАЖОНОВА,**
**Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши раисининг ўринбосари.**

## Ўзбекистонлик дугоналаримга ҳавасим келади



Ҳар бир мамлакатнинг маданияти, тараққиёт даражаси ўша давлатнинг аёлларга бўлган муносабати билан ўлчанади, деган гап жуда тўғри айтилган. Дарҳақиқат, аёл бахтли бўлса, оила бахтли, оила бахтли бўлса, мамлакат тинч ва фаровон бўлади.

Ўзбек хотин-қизларига дунё аҳли ҳавас билан боқса арзийди. Чунки улар дунёдаги энг бахтли аёллардир. Юртингизда уларнинг жамиятдаги фаол иштирокини таъминлаш йўлида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар ҳар қанча ўрганишга арзийдиган тажриба. Тинч ва фаровон ҳаётда ўз ўрнига эга бўлиб, жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган, давлат эътибори ва эъзозидаги ўзбек аёлларига ҳавасим келади.

Бугун ўзбекистонлик қизлар турли халқаро кўрик-танловларда, спорт мусобақаларида ғолибликни қўлга киритмоқда. Бу мамлакатда хотин-қизлар ҳуқуқлари тўлиқ таъминлангани, уларга кенг имкониятлар берилаётганидан бир далолатдир. Мана, мисол учун, Шарқ мамлакатларида гендер муаммоси кўп учрайди, аммо сизларда бу масала оқилона ечим топганига гувоҳ бўлдим.

**Иллариа ФЕРРИНИ,**
**италиялик сайёҳ.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 656. 57 463 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ш. Бўтаев.
Навбатчи — Р. Шерқулов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.10 Топширилди — 23.10 1 2 3 4 5 6